


**«Мазҳабсизлик Ислом шариатига таҳдид  
солувчи энг хатарли бидъатдир» китоби  
қайта нашр қилинди**



Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) салавот ва саломлар бўлсин!

Аммо баъд:

Аҳли сунна ва жамоа мазҳабига мансуб олимлар ҳам, қавмлар ҳам қадимдан ўта камтар бўлишган. Мақтанишни ҳам, мақташни ҳам ўзларига эп кўришмаган. Шунинг учун бўлса керак, ҳозирда баъзи бемазҳабларнинг мақтанчоқликлари, ўзлари «олим» деб билган уч-тўрт кишини осмонга кўтариб мақташлари бу ҳақиқатни билганлар учун жуда эриш туюлади. Бу нарса айрим сирлардан беҳабар кишиларни алдаб қўйиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда мазкур сохта мақтовларни кўпчилик тушунмаслиги ва алданиб қолиш ҳолатлари кузатилмоқда. Худди бемазҳабларнинг «имом» лари, «аллома»лари бор-у, Аҳли сунна ва жамоаники йўқдек.

Ҳақиқатда эса асло бундай эмас. Аслида мусулмон умматининг ҳақиқий имомлари ва буюк алломалари асосан Аҳли сунна ва жамоадан чиққан ва шундай бўлиб келмоқда. Мусулмонлар оммасига ушбу ҳақиқатни англадиб бориш ниятида «Ислом.уз» интернет порталида алоҳида бўлим очилиб, Аҳли сунна вал жамоа вакиллари бўлган, замонамизнинг кўзга кўринган олимлари ҳақида маълумотлар бериб борилаётган эди. Мазкур ишни янада кенгайтириш борасида қилиниши режалаштирилган ишлар қаторида сунний мазҳабларни маҳкам тутган ва бемазҳабликка қарши бўлган алломаларимиздан баъзиларининг ўзлари ва асарлари билан халқимизни таништириш, бемазҳабларнинг даъволари пуч эканини фош этиш мақсадида бугунги кунда битилган ва ўта керакли китоблардан баъзиларини таржима қилиб, чоп этиш ишлари ҳам бор эди. Аллоҳ таолога ҳадсиз-ҳисобсиз шукрлар бўлсинки, мазкур режамиз ўз самарасини бера бошлади.

Сиз, муҳтарамларга замонамизнинг кўзга кўринган олимларидан бири бўлмиш доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий ҳазратларини таништириш ва у зотнинг муҳим китобларидан бирини тақдим этиш бахтига муяссар бўлиб турибмиз.

Доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий ҳазратлари 1929 йили Туркия ҳудудига кирувчи, Ироқнинг шимолий томонидаги Бутан (Ибн Умар) оролчасидаги Жилка қишлоғида дунёга келдилар. Тўрт ёшга етганларида, оталари мулла Рамазон билан биргаликда Дамашққа ҳижрат қилдилар. Академик лицейни Дамашқдаги Исломий йўналиш маъҳадида

тамомладилар.

1953 йили Азҳар университетининг шариат факултетида ўқишни давом эттириб, 1955 йили мазкур университетнинг халқаро дипломини қўлга киритдилар. Келгуси йили Азҳар университетининг араб тили факультетида ўқишни давом эттирдилар. Ўша йил ниҳоясида мураббийлик дипломини қўлга киритдилар. 1960 йили Дамашқ университетидеги шариат факултетида профессор ассистенти бўлиб ишладилар.

1965 йили Азҳар университетининг тавсияси билан Ислом шариати усулидан докторлик дипломини қўлга киритдилар. Мазкур йили Дамашқ университетидеги мударрисликка тайинландилар. Сўнгра вакил, кейин проректор, сўнгра Дамашқ университетининг ақийда ва дин бўлими бошлиғи этиб тайинландилар.

Доктор Рамазон Бутий ҳозирги вақтга қадар бутун дунёда бўлиб ўтадиган йиғин ва конференцияларда иштирок этиб келадилар. Иорданиянинг Уммон шаҳридаги Ислом маданияти тадқиқот маркази академиясининг ва яна Оксфорд академиясининг олий мажлиси аъзосидирлар. Араб, турк, курд тилларини яхши ва инглиз тилини бир оз биладилар.

У кишининг шариат, одоб, фалсафа, жамиятшунослик ва тамаддун муаммоларига оид олтишдан ортиқ таълиф этган китоблари мавжуд.

Машҳур китоблари:

1. «Фикҳус сийратин-Набавия»;
2. «Шарҳу Ҳикамил Атоия»;
3. «Кубро яқийниётин кавния»;
4. «Ҳаза волидий»;
5. «Салафия марҳалатун заманиятун муборака лаа мазҳабун ислабий»;
6. «Ал-лаа мазҳабийя ахтору бидъатин тухаддиду шариъатал Исламия» (Мазҳабсизлик – Ислом шариатига таҳдид солувчи энг хатарли бидъатдир).
7. «Мадҳалун ила фаҳмил жузури».
8. «Хурриятун инсани фий зилли убудиятиҳи лиллаҳи».
9. «Манҳажул ҳазоратил инсанияти фил Қуръан».
10. «Мин ровайъул Қуръанул Карим».
11. «Минал фикри вал қалби».
12. «Дифоъун ғанил Ислами ват-тарих».
13. «Дин ва фалсафа».
14. «Шахсийаатун иставқафатни».

Рамазон Бутий ҳазратларининг Дамашқ масжидларида кунлик ва ҳафталик ваъз-иршод мажлислари бор бўлиб, уларда минглаб эркак ва аёллар ҳозир бўлишади. Бундан ташқари, газета-журналларга исломий мавзуларда мақолалар ёзиб турадилар ва янги муаммоларга жавоб берадилар. У

зотнинг маъруза ва дарсларини кўплаб мусулмон давлатлар ва нодавлат телевизион каналлари орқали доимий равишда кўрсатиб борилади. Дамашқдаги маъруза ва дарслари тасвирга тушириладиган мажлисларида беш мингга яқин иштирокчи ҳозир бўлади.

Ушбу камтарона сатрлар котиби доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий ҳазратлари билан, аввало у кишининг китоблари орқали танишган эди. Мазкур китоблар тили ва услубининг равлонлиги билан, муаммони ҳикмат ва шариат асосида бугунги куннинг талабига мос равишда ҳал қилишга уриниши билан барчани ўзига ром этади.

Доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий ҳазратлари билан биринчи жонли мулоқотимиз Жазоирнинг Ситийф шаҳрида бўлиб ўтган «Ислом фикри мулоқоти» номли илмий анжуманда бўлди. Ўшанда доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий ҳазратларининг Ғарб маданиятидан таъсирланган баъзи кишилар билан мунозаралари кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлган эди. Кейинчалик турли муносабатлар билан тез-тез учрашиб турадиган ва фикр алмашадиган бўлдик. Иккимиз ҳам Иордания қироллик академиясига аъзо бўлдик. Академия раҳбари амир Ғозий Муҳаммаднинг таклифига биноан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёшлик чоғларида амакилари Абу Толиб билан Шом сафарига борганларида остига ўтирган дарахтни кўриб, у ҳақда суратга олинаётган фильм учун интервью бердик. Ушбу мулоқотларимизнинг барчасида мусулмон умматининг бугунги ҳоли тўғрисида фикр алмашар эдик. Албатта, мазҳабсизлик муаммоси асосий мавзулардан бўлиб келарди.

Доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий ҳазратлари бемазҳабликка қарши курашда энг журъатли олимлардан биридир. У киши бемазҳабларнинг ўзлари билан кўп бора мунозаралар олиб бориб, ғолиб келганлар ва бу иллатга қарши мақола, маърузалардан ташқари алоҳида китоблар ҳам ёзганлар.

Доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий ҳазратларининг «Салафийлик исломий мазҳаб эмас, балки у муборак давр босқичидир» номли китоблари тарқалганидан кейин Аҳли сунна ва жамоа мазҳабидаги барча илм аҳллари, ушбу мазҳабни тутганлар эркин нафас олиб, бемазҳабларга кўп нарсаларга илмий ҳужжатлар борлигининг таъкиди баён қилинганига хурсанд бўлдилар. Бемазҳаблар эса, биз ҳам Аҳли сунна ва жамоамиз, дея бошладилар.

Доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий ҳазратларининг қўлингизда тутиб турган «Мазҳабсизлик – Ислом шариатига таҳдид солувчи энг хатарли бидъатдир» китоблари эса бемазҳабликнинг хатарини барчага батафсил тушунтириб берди.

Бу китобнинг ўзига хос қиссаси бор.

Аслида шайх Муҳаммад Саид Рамазон Бутий ҳазратлари ушбу китобларини «Мусулмон одамнинг тўрт мазҳабдан бирига эргашмоғи мажбурийми?» деб аталган бир китобчани тарқатган шахсга раддия сифатида ёзганлар. Бу одам китобда ўзининг исмини кўрсатмаган, ўзини таништирамаган, лекин уни Муҳаммад Султон ал-Маъсумий ал-Хўжандий ал-Маккий (Масжидул Ҳаром атрофидаги мударрис) таълиф қилган, деб эълон қилган эди.

Сўнгра, китобнинг иккинчи нашрини тайёрлаётган пайтда ўзларининг бу китобларига раддия тарзида ёзилган Саййид Муҳаммад Ийд Аббосийнинг қаламига мансуб «Таассубона мазҳабчилик – бидъатдир» номли китобни кўриб қолиб, нашрни тўхтатиб турганлар ва мазкур китобни ўқиб чиқиб, унга ёзилган раддияни ҳам қўшиб чоп эттирганлар. Шундай қилиб, мазҳабни тутганлар билан бемазҳаблар орасидаги мазҳаблар хусусидаги тортишув ҳақида тўлиқ асар юзага келган.

Албатта, юқорида зикр қилинган омиллар асарнинг йўналишига, равонлигига ва мазмунига ўз таъсирини кўрсатган ва ўқувчидан ўта диққат билан ўқишни талаб қиладиган вазият юзага келган. Бу асарнинг битилганига, эллар ва халқлар орасида тарқалганига, муҳокама ҳамда таржима қилинганига анча вақт бўлган. Унинг ҳақида жуда кўп гаплар айтилган. Мана, вақти келиб, фурсати етиб, муҳтарам олимимиз Алоуддин Ҳофий жаноблари уни таржима қилдилар ва асар «Исломуз» интернет порталида эълон қилинди. Кейин кўпчиликнинг маслаҳати ва илтимосига биноан уни китоб шаклида нашр этишга ҳам қарор қилинди. Аввал ёш домлаларимиздан Муҳаммад Али таржимани арабча нусхага солиштириб, қайтадан синчиклаб мутолаа қилиб кўрди, ҳар оят ва ҳадиснинг арабча матнини қўйиб чиқди. Кейин ўзим уни қайтадан кўриб, атрофлича таҳрир қилдим ва ушбу кириш сўзи орқали баъзи маълумотларни ҳам тақдим этдим. Китобнинг сўнгида эса айрим мулоҳазаларни баён қилиш ниятим ҳам бор.

Бугун ушбу илмий асарни сиз, азиз ўқувчиларимизга она тилимизда тақдим этар эканмиз, унинг барчамиз учун фойдали бўлишини, шунингдек, доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий ҳазратларининг ҳақларига ҳам Аллоҳ таоло у кишини ҳифзу ҳимоясида асрашини чин қалбдан тилаб, дуолар қилиб қоламиз.

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.***

***Тошкент. 2012 йил, апрель.***

**Муаллиф:** Доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий

**Таржмон:** Алоуддин Ҳофий

**Нашрга тайёрловчи:** Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф умумий таҳрири остида тайёрланди

**Сана:** 2021 йил (2013, 2018)

**Ҳажми:** 208 бет

**ISBN:** 978-9943-6462-1-6

**Ўлчами:** 84×108 1/32

**Муқоваси:** қаттиқ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 6268-сонли тавсияси ила чоп этилди

## **Мундарижа**

Кириш сўзи

Янги нашр муқаддимаси

Иккинчи нашр муқаддимаси

Падари бузрукворимнинг сўзлари

Биринчи нашр муқаддимаси

Хўжандий рисоласидаги гапларнинг қисқача мазмуни

Ихтилофсиз масалалар

Рисола даъво қилаётган янги гаплар: уларнинг

далиллари ва уларга раддиялар

Тақлид қилишдан ўзга чора йўқ ва муайян

мазҳабга эргашишга монеълик йўқ ва бунинг далили

Имомга тақлид қилиш ва унинг мазҳабини

ушлашнинг маъноси нима?

Мазҳабга ва мазҳаббоши имомга тақлид қилишни

қачон бас қилиш керак?

Агар ҳамма одамлар мазҳабсизлик саҳросига

йўл олса, нима бўлади?

Айрим мазҳабсизлар билан ўртамизда бўлиб ўтган

баҳс-мунозаранинг қисқача мазмуни

Шундан сўнг!..

(Китобимга раддия ҳақидаги) илова

Хотима